

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.27.06.2017.Yu.22.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ**

**АВЕЗОВ КОСИМ САФАРОВИЧ**

**ИҚТИСОДИЙ ПРОЦЕССДА ТАРАФЛАРНИНГ ҲУҚУҚИЙ**  
**МАҚОМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

12.00.04 – Фуқаролик процессуал ҳуқуқи. Хўжалик процессуал ҳуқуқи.  
Ҳакамлик жараёни ва медиация

**юримдик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси**  
**АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2019**

**Докторлик диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата докторской диссертации**

**Content of the abstract of doctoral dissertation**

**Авезов Косим Сафарович**

Иқтисодий процессда тарафларнинг ҳуқуқий мақомини такомиллаштириш...3

**Авезов Косим Сафарович**

Совершенствование правового статуса сторон в экономическом процессе...21

**Avezov Kosim Safarovich**

Improving the legal status of the parties in the economic process.....39

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works.....43

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.27.06.2017.Yu.22.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ**

**АВЕЗОВ КОСИМ САФАРОВИЧ**

**ИҚТИСОДИЙ ПРОЦЕССДА ТАРАФЛАРНИНГ ҲУҚУҚИЙ**  
**МАҚОМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

12.00.04 – Фуқаролик процессуал ҳуқуқи. Хўжалик процессуал ҳуқуқи.  
Ҳакамлик жараёни ва медиация

**юримдик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси**  
**АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2019**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.1.PhD/Үу11 рақам билан рўйхатга олинган.**

Докторлик диссертацияси Тошкент давлат юридик университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ([www.tsul.uz](http://www.tsul.uz)) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) жойлаштирилган.

<b>Илмий раҳбар:</b>	<b>Окюлов Оманбай</b> юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист
<b>Расмий оппонентлар:</b>	<b>Эсанова Замира Нормуратовна</b> юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист <b>Насуллаев Мубин Лутфуллаевич</b> юридик фанлар номзоди, доцент
<b>Етақчи ташкилот:</b>	<b>Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академияси</b>

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат юридик университети ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Үу.22.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил 19 декабрь соат 10:00 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100047, Тошкент шаҳар, Сайилгоҳ кўчаси, 35-уй. Тел.: (99871) 233-66-36 факс: (99871) 233-37-48, e-mail: [info@tsul.uz](mailto:info@tsul.uz)).

Диссертация билан Тошкент давлат юридик университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (885-рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100047, Тошкент шаҳар А.Темур кўчаси 13. Тел.: (99871) 233-66-36).

Диссертация автореферати 2019 йил 5 декабрь куни тарқатилди.

(2019 йил 5 декабрдаги 7-рақамли реестр баённомаси).

**Н.С.Салаев**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, юридик фанлар доктори, профессор в.б.

**Б.Т.Мусаев**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD)

**И.Р.Рустамбеков**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раисининг ўринбосари, юридик фанлар доктори, профессор в.б.

## КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Дунёда иқтисодий муносабат иштирокчилари ўртасидаги низоларни ҳал қилишда иқтисодий суд иш юритуви иштирокчилари учун тенг ва адолатли шароитни яратиш, юзага келган низоларни қонуний ва адолатли ҳал этишда тегишли ҳуқуқий нормаларни такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этади. Жаҳон банкининг «Бизнес юритиш – 2020» ҳисоботида дунё миқёсида суд ишларини юритиш сифати кўрсаткичи 0-18 балл оралиғида баҳоланган бир вақтда 110 га яқин давлатларда суд ишларини юритиш сифати кўрсаткичи 8 баллдан паст эканлиги кўрсатилган<sup>1</sup>. Ҳисоботда келтирилган кўрсаткичларга кўра фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини мустаҳкамлаш ҳамда суд жараёнида тортишув принципини тўлақонли жорий этишга қаратилган нормаларни янада такомиллаштириш зарурати мавжуд.

Жаҳон процессуал ҳуқуқ назарияси ва амалиётида иқтисодий низоларни ҳал қилишда очиқлик ва шаффофликни таъминлаш, низолашувчи тарафларнинг ҳуқуқий мақомини белгилаш, тарафларга судга мурожаат қилишда тенг имкониятларни яратиш масалаларини тадқиқ этишга алоҳида аҳамият берилмоқда. Жумладан, процессуал ҳуқуқ ва процессуал муомала лаёқати тушунчаларини илмий таҳлил қилиш, иқтисодий суд иш юритувига ахборот технологияларини кенг жорий қилиш, суд ҳужжатлари ва тарафларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган процессуал институтларни илмий тадқиқ этиш ва янги инновацион илмий ишланмалар яратиш муҳим аҳамият касб этади.

Республикамызда судни ҳокимиятнинг мустақил ва алоҳида тармоғи сифатида ташкил этиш, уни ўтмишдаги жазолаш органидан инсон ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилувчи ҳамда ишончли ҳимоя қилувчи давлатнинг чинакам мустақил институтига айлантириш, судлар фаолияти самарадорлиги ва нуфузини ошириш бўйича салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, иқтисодий суд ишларини юритишда тарафларнинг ҳуқуқий мақомини белгилаш, суд жараёнида тарафларга бир хил имконият яратилишига эришиш, тарафларнинг процессуал-ҳуқуқий манфаатдорлигини моддий-ҳуқуқий манфаатдорликдан ажратиш мақсадида кенг кўламли тизимли ишлар амалга оширилмоқда. «Суд, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат идоралари фаолиятида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш ҳамда фуқароларнинг одил судловга тўсқинликсиз эришишини таъминлаш»<sup>2</sup> суд-ҳуқуқ тизимини ривожлантиришнинг устувор йўналишларидан бири сифатида белгиланиб, бу соҳани тадқиқ этиш долзарб аҳамиятга эга.

<sup>1</sup> <https://www.doingbusiness.org/en/reports/global-reports/doing-business-2020>

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон Фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда.

Ўзбекистон Республикасининг «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги (1998), «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги (2012) қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги (2016), «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги (2017), «Ўзбекистон Республикаси суд тизими тузилмасини тубдан такомиллаштириш ва фаолияти самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги (2017) фармонлари ва мавзуга оид бошқа қонун ҳужжатларида белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур диссертация республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Демократик давлатни ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантиришнинг устувор йўналиши»га мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Республикамиз иқтисодий процессуал ҳуқуқида тарафларнинг ҳуқуқий мақомини такомиллаштириш масалалари алоҳида тадқиқот объекти сифатида ўрганилмаган. Бироқ тадқиқот мавзусининг у ёки бу жиҳатлари мамлакатимиз олимларидан Ш.Ш.Шорахметов, Э.Э.Эгамбердиев, С.А.Якубов, О.Окюлов, М.М.Мамасиддиқов, З.Н.Эсанова, Ш.Н.Рўзиназаров, М.К.Азимов, Ф.Х.Отахонов, Х.Т.Азизов, Х.Бурхонходжаева, С.С.Гулямов, М.Л.Насуллаев, Д.Ю.Хабибуллаев, С.Ф.Иноятова, Ф.Б.Ибротова, Ш.М.Масадиқов ва бошқа ҳуқуқшунос олимлар томонидан муайян даражада ўрганилган.

Шу билан бирга, соҳа мутахассисларидан И.Таджиев, М.Қаландарова, Д.Акрамова, Р.Бердияров, М.Бердиқулов, Қ.Комилов, М.Равшанова, Т.Тожибоев, А.Шукруллаев, В.Юсупов, Ж.Қаххоров ва бошқалар томонидан ёзилган илмий ишланмаларда иқтисодий процесс иштирокчилари билан боғлиқ муаммоларнинг айрим жиҳатларига тўхталиб ўтилган.

Хорижий мамлакатларда иқтисодий процессда тарафларнинг ҳуқуқий мақомини такомиллаштиришнинг назарий-ҳуқуқий жиҳатлари К.М.Clermont (АҚШ), Р.Cortes (Англия), М.С.Tyler (Австралия) Р.Gilles (Германия) каби олимлар томонидан ўрганилган бўлса, МДХ мамлакатларида М.К.Треушников, Е.А.Терещева, М.С.Шакарян, А.А.Власов, Т.Е.Абова, Г.О.Аболонин, В.С.Анохин, А.Н.Балашов, Е.Е.Бондарева, Ю.А.Свирин, С.Ж.Соловых, А.В.Юдин ва бошқа олимлар томонидан тадқиқ этилган<sup>1</sup>.

Мамлакатимизда иқтисодий процессда тарафларнинг ҳуқуқий мақомини такомиллаштиришга оид алоҳида монографик тадқиқот олиб борилмаган.

---

<sup>1</sup> Мазкур олимлар асарларининг тўлиқ рўйхати диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида берилган.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация мавзуси Тошкент давлат юридик университетининг илмий-тадқиқот ишлари режасига киритилиб «Суд-ҳуқуқ ислохотлари шароитида фуқаролик процессуал қонунчилигини такомиллаштиришнинг долзарб масалалари», «Фуқаролик ва хўжалик суд ишларини юритиш бўйича процессуал ҳужжатлар ва уларни расмийлаштиришнинг назарий-амалий масалалари» номли илмий тадқиқотларнинг устувор йўналишлари доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** иқтисодий процесс иштирокчиси сифатида тарафларнинг ҳуқуқий мақомини белгилашга доир қонунчиликни такомиллаштириш ва уни қўллаш амалиёти самарадорлигини оширишга қаратилган таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

иқтисодий процесс иштирокчиси сифатида тарафлар тушунчаси ва процессуал ҳуқуқ лаёқатининг илмий-назарий жиҳатларини таҳлил қилиш;

иқтисодий процессда тарафларнинг турлари ва уларнинг юридик тавсифини очиқ бериш;

иқтисодий процессда шерик иштирокчиликнинг илмий-амалий жиҳатларини ёритиш;

даъвогар, аризачи ва кредитор ҳуқуқ ҳамда мажбуриятларининг процессуал масалаларини таҳлил қилиш;

иқтисодий процессда жавобгар ва қарздорнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини такомиллаштириш муаммоларини тадқиқ этиш;

тарафлар томонидан ўз процессуал ҳуқуқларини суиистеъмол қилишнинг ҳуқуқий оқибатларини таҳлил қилиш;

иқтисодий процессда тарафларни алмаштириш, ҳуқуқий ворислик ва учинчи шахслар иштирокининг процессуал хусусиятларини очиқ бериш;

иқтисодий процессда тарафларнинг келишув битими тузиш асослари ва тартибини такомиллаштириш;

Иқтисодий процессуал кодекси ва бошқа қонун ҳужжатларига тарафларнинг ҳуқуқий мақомини такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқишга қаратилган.

**Тадқиқотнинг объекти** иқтисодий процессда тарафларнинг ҳуқуқий мақоми билан боғлиқ ҳуқуқий муносабатлар тизими ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг предмети** иқтисодий процессуал ҳуқуқида тарафлар ҳуқуқий мақомини белгилашга оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти, юридик фанда мавжуд бўлган концептуал ёндашувлар, илмий, амалий ва назарий қарашлар ва ҳуқуқий категориялардан иборат.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот олиб боришда тарихий, тизимли-тузилмавий таҳлил, қиёсий ҳуқуқий, мантикий, социологик сўров, формал-юридик ўрганиш, индукция ва дедукция, статистик маълумотлар таҳлили каби усуллар қўлланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

корпоратив низолар бўйича ишлар иқтисодий судга тааллуқли ишлар доирасига кириши асосланган;

иқтисодий процесда биргаликда иштирок этувчилар ишни олиб боришни шерик иштирокчилардан бирига топшириши мумкинлиги асослаб берилган;

иқтисодий процесда тараф сифатида илк бор аризачининг ҳуқуқий мақоми белгиланган;

иқтисодий процесда фақатгина ишга дахлдор бўлмаган жавобгарни алмаштириш мумкинлиги асослаб берилган;

юримдик шахсни ташкил этиш, қайта ташкил этиш ва тугатиш билан боғлиқ низолар иқтисодий судларда корпоратив низо сифатида кўриб чиқилиши асослаб берилган;

иқтисодий процесда келишув битими даъво тартибидаги ҳар қандай иш бўйича тузилиши мумкинлиги асослаб берилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

иқтисодий процессуал ҳуқуқда тарафларнинг процессуал ҳуқуқ ва процессуал муомала лаёқатини аниқлаштириш лозимлиги асослантилган;

иқтисодий процесда процессуал шерик иштирокчилик билан боғлиқ нормаларни такомиллаштириш лозимлиги исботлаб берилган;

процессуал ҳуқуқларни суиистеъмол қилувчи шахс зиммасига суд харажатларини юклаш тартибини жорий этиш зарурати асослантилган;

қимматли қоғозлар эмиссияси, эмиссиявий қимматли қоғозларни жойлаштириш жараёнида тузилган битимлар билан боғлиқ низолар корпоратив низо сифатида иқтисодий судларда кўриб чиқилиши зарурлиги ёритилган;

юримдик шахс иштирокчиларининг умумий йиғилишини чақириш ва юримдик шахс бошқарув органларининг қарорлари устидан шикоят қилиш тўғрисидаги низолар иқтисодий суд иш юритувига тааллуқли эканлиги таҳлил қилинган;

иқтисодий процесда келишув битимини тузиш билан боғлиқ процессуал нормаларни уйғунлаштириш ва тизимлаштириш лозимлиги асослантилган;

«Ўзбекистон Республикасининг Иқтисодий процессуал кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончилиги.**

Тадқиқот натижалари миллий қонун нормалари, ривожланган давлатлар тажрибаси, қонунни қўллаш амалиёти, социологик тадқиқотлар, статистик маълумотларни таҳлил қилиш натижалари умумлаштирилиб, тегишли ҳужжатлар билан расмийлаштирилган. Хулоса, таклиф ва тавсиялар апробациядан ўтказилиб, уларнинг натижалари етакчи миллий ва хорижий нашрларда эълон қилинган. Бундан ташқари, тадқиқот натижалари Тошкент вилояти Зангиота туманлараро иқтисодий суди фаолиятида синовдан ўтказилган. Ишда Тошкент вилояти иқтисодий суди ва Зангиота туманлараро иқтисодий суди иш материалларидан фойдаланилган.



**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижасида ишлаб чиқилган илмий хулоса ва таклифлар асосида Ўзбекистон Республикасининг Иқтисодий процессуал кодексига тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар тайёрланган ва улардан қонун ижодкорлиги жараёнида фойдаланилган.

Диссертацияда баён этилган қоидалар, чиқарилган хулосалар, ишлаб чиқилган таклиф ва тавсиялардан ушбу муаммога доир илмий тадқиқотлар ўтказишда, «Иқтисодий процессуал ҳуқуқи», «Иқтисодий ишлар бўйича процессуал ҳужжатлар» модулларини ишлаб чиқиш ва уларни юриспруденцияга ихтисослашган олий ва ўрта махсус таълим муассасаларининг ўқув жараёнида, ўрганилган муаммога оид ўқув адабиётларини тайёрлашда фойдаланилиши мумкин.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.**

Иқтисодий процессда тарафларнинг ҳуқуқий мақомини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

иқтисодий судга тааллуқли ишлар доирасини белгилашга оид таклифлар (Ўзбекистон Республикасининг Хўжалик процессуал кодекси 23-моддаси биринчи қисмининг тўртинчи банди) Ўзбекистон Республикасининг 2015 йил 20 августдаги ЎРҚ–391-сонли «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига хусусий мулкни, тадбиркорлик субъектларини ишончли ҳимоя қилишни янада кучайтиришга, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этишга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонунига киритилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2016 йил 17 октябрдаги 06-20/675-сон маълумотномаси). Мазкур таклиф иқтисодий судга тааллуқли ишлар доирасини кенгайтирган;

корпоратив низолар тоифаси, корпоратив низолар иштирокчиларини аниқлаш, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларига оид таклифлар (Ўзбекистон Республикасининг Хўжалик процессуал кодекси 155<sup>19</sup>-модда) Ўзбекистон Республикасининг 2015 йил 20 августдаги ЎРҚ–391-сонли «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига хусусий мулкни, тадбиркорлик субъектларини ишончли ҳимоя қилишни янада кучайтиришга, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этишга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонунига киритилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2016 йил 17 октябрдаги 06-20/675-сон маълумотномаси). Мазкур таклифнинг қабул қилинганлиги иқтисодий судга тааллуқли ишлар доирасини кенгайтиришга имкон берган;

иқтисодий процессда тарафлар тушунчаси, ишда бир неча даъвогар ва жавобгарнинг иштирок этиши, ишга дахлдор бўлмаган жавобгарни алмаштиришга доир қоидалар Ўзбекистон Республикасининг Иқтисодий процессуал кодексига (43-45-моддалар) киритилган (Ўзбекистон Республикаси Олий судининг 2019 йил 21 августдаги 08/УМ-522-19-сон маълумотномаси). Ушбу таклифнинг қабул қилинганлиги тарафларни ҳуқуқий мақомини аниқлаш, тарафларни ишда иштирок этиши ва жавобгарни алмаштиришни ҳуқуқий тартибга солишга кўмаклашган;

тарафларнинг келишуви учун суднинг чоралар кўриши, уларга иқтисодий суд ишларини юритишнинг барча босқичларида низони ҳал этишга кўмаклашиш, низони келишув битимини ёки медиатив келишувни тузиб ҳал этиши, келишув битимини тасдиқлаш тўғрисидаги масалани ҳал қилиш ва келишув битимини тасдиқлашга доир қоидалар Ўзбекистон Республикасининг Иқтисодий процессуал кодексига (130–134-моддалар) киритилган (Ўзбекистон Республикаси Олий судининг 2019 йил 21 августдаги 08/УМ-522-19-сон маълумотномаси). Ушбу таклифнинг қабул қилинганлиги тарафлар ўртасидаги низони ҳал қилишда жаҳон стандартларига мос талабларни шакллантиришга имкон яратган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 10 та илмий анжуманда, жумладан, 2 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларида синовдан ўтган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 28 та илмий иш, шу жумладан диссертациянинг асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган ОАК нашрларида 18 та мақола (15 таси республика ва 3 таси хорижий нашрларда) чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, урта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 156 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** (докторлик диссертацияси аннотацияси) қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мувофиқлиги, тадқиқ этилаётган муаммонинг ўрганилганлик даражаси, диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети, усуллари, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижаси, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти, уларнинг жорий қилинганлиги, тадқиқот натижаларининг апробацияси, натижаларнинг эълон қилинганлиги, диссертациянинг ҳажми ва тузилиши ёритиб берилган.

Диссертациянинг «**Иқтисодий процесснинг асосий субъекти сифатида тарафлар ҳуқуқий мақомининг умумий тавсифи**» деб номланган биринчи бобида иқтисодий процесс иштирокчиси сифатида тарафлар тушунчаси ва процессуал ҳуқуқ лаёқатининг илмий-назарий масалалари, иқтисодий процессда тарафларнинг турлари ва уларнинг юридик тавсифи, иқтисодий процессда процессуал шерик иштирокчиликнинг илмий-амалий жиҳатлари таҳлил қилинган.

Иқтисодий процессуал ҳуқуқий муносабатда иштирок этувчи шахслар ичида тарафлар алоҳида ва бирламчи ўринни эгаллайди. Зеро, ҳар қандай ишларни судда кўришда, албатта, тарафлар мавжуд бўлади. Низоли муносабат

хам айнан тарафлар ўртасида вужудга келади. Улар низо предметига нисбатан қарама-қарши бўлган икки тараф сифатида ҳуқуқий майдонга – процессга кириб келади.

Хорижий олимлар (М.К.Треушников, Ю.А.Попова, М.А.Викут, М.С.Шакарян, Н.Г.Елисеев, А.А.Власов)нинг асарларида иқтисодий суд иш юритувида тарафлар тушунчаси таҳлил қилинган ва иқтисодий процессда тарафлар тушунчасига муаллифлик таърифлари берилган.

Диссертацияда иқтисодий суд иш юритувида тарафларнинг ҳуқуқий мақоми, даъвогар, аризачи, кредитор, жавобгар, қарздор сифатида иштирок этиши, уларнинг ўзаро фарқли жиҳатлари таҳлил қилинган. Шунингдек, тарафлар иқтисодий процесснинг иштирокчиси сифатида ҳар доим асосий иккита белгиси, яъни субъектив ҳуқуқ ҳақидаги низо ёки қонуний манфаат ва қарама-қарши юридик манфаат мавжудлиги билан тавсифланиши асослаб берилган.

Айрим олимлар (Е.А.Трещева, Р.Ю.Банников, С.Соловых, А.Минаев) томонидан суд томонидан у ёки бу ишни кўриш натижаси бўйича ҳуқуқ ва муомала лаёқати мавжудлиги, бироқ уни кўриш жараёнида исталган инстанцияда ушбу шахс ишда иштирок этишда процессуал ҳуқуқ ва муомала лаёқатига эга бўлиши ўрганилган. Диссертацияда ҳуқуқ ва муомала лаёқатининг процессуал тушунчаси ҳаттоки юридик шахсларга нисбатан мустақил эканлиги асослантирилган.

Бир қатор хорижий мамлакатлар (Германия, Франция, Россия Федерацияси) иқтисодий процессуал қонунчилигида процессуал ҳуқуқ ва процессуал муомала лаёқати белгиланган. Бу борада аниқлик етишмаслиги процессуал ҳуқуқ ва процессуал муомала лаёқати мазмунини тўлиқ англаб етмасликка, кимлар тараф бўла олиши масаласи очик қолади, тарафлар ҳуқуқий мақомини белгилашда турли муаммоларни юзага келтирган.

Муаллиф томонидан тарафларнинг процессуал ҳуқуқ ва муомала лаёқатини аниқлашга доир ўтказилган сўров натижасига кўра, Ўзбекистон Республикасининг Иқтисодий процессуал кодекси (кейинги ўринларда – ИПК)га процессуал ҳуқуқ ва муомала лаёқатини белгиловчи норманинг киритилишининг мақсадга мувофиқлиги (респондентларнинг 70 %) асослаб берилган.

Шунингдек, тарафларни икки турга бўлган ҳолда, яъни процессуал (даъвогар ва жавобгар) ҳамда моддий-ҳуқуқий маънодаги (кредитор ва қарздор) тарафлар сифатида фарқланиши илмий-назарий жиҳатдан таҳлил қилинган. Ўрганишлар натижасида прокурор, давлат органлари ва бошқа шахслар процессуал даъвогар ва жавобгар сифатида кўрилиши лозим деган хулосага келинган.

Иқтисодий процессда фуқаролар, гарчи бошқа тоифадаги низоли ҳуқуқий муносабатларда тараф сифатида иштирок этмасада, айнан корпоратив низоларда акциядор, улуш эгаси, манфаатдор шахс сифатида иқтисодий процесснинг тўлақонли тарафи сифатида иштирок этиши таҳлиллар асосида ўрганилган ва корпоратив низолар бўйича ишларда тарафлар иштирокига оид

таклифлар илгари сурилган. Хусусан, корпоратив низолар бўйича ишлар, уларни кўриш тартиби, корпоратив низолар бўйича ахборотларнинг очиклигини таъминлаш ва ишда иштирок этиш ҳуқуқи, тарафларнинг ярашуви, юридик шахс иштирокчиларнинг умумий йиғилишини чақиртиришга мажбурлаш тўғрисидаги ҳамда юридик шахсга етказилган зарарларни қоплаш тўғрисидаги низолар бўйича ишларни кўриш, корпоратив низолар бўйича иқтисодий суд ҳужжати устидан шикоят беришнинг процессуал хусусиятларини белгиловчи нормалар мавжуд бўлиши зарур деган хулосага келинган.

Юридик адабиётларда (М.М.Мамасиддиқов, М.С.Шакарян, Н.Морозов, Е.А.Трещева) тегишли бўлмаган ва тегишли бўлган тарафнинг процессуал ҳуқуқ ва мажбуриятлари бир-бирини истисно этиши белгиланган. Тегишли бўлмаган тараф ваколатга эга бўлмаган тарафдан фарқли равишда иқтисодий ишда даъвогар ҳам, жавобгар ҳам бўлиши мумкин, чунки у иқтисодий процессуал ҳуқуқ лаёқатига эга. Бироқ, агар процессуал жиҳатдан ҳақли бўлган шахс тегишли ваколатга эга бўлмаса ва бундай шахс деб, тахмин қилинмаса ёки низоли ҳуқуқий муносабатнинг мажбур бўлган субъекти бўлмаса, у ҳолда тегишли бўлмаган тараф, яъни даъвогар ёки жавобгар мақомига эга бўлмайди.

Шу муносабат билан иқтисодий суд иш юритувида даъвогарни алмаштириш диспозитивлик тамойилига зид деган хулосага келинган. Иқтисодий процессда суд даъво бўйича жавоб бериши лозим бўлмаган шахсга нисбатан даъво тақдим этилганлигини аниқласа, ишга дахлдор бўлмаган жавобгарни ҳал қилув қарори қабул қилингунига қадар даъвогарнинг розилиги билан ишга дахлдор жавобгар билан алмаштиришга йўл қўйиши мумкинлиги асослантирилди.

Процессуал шерик иштирокчилик институтининг мақсади нафақат суд иш юритувини тезлаштириш ва суд процесси жараёнида юзага келадиган сарф-харажатларни камайтириш, балки, бир хил ёки бир тоифага мансуб моддий-ҳуқуқий муносабат субъекти ҳисобланган тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларига доир қарама-қарши қарорлар қабул қилишни истисно этади. Шерик даъвогарлар бошланган процессда иштирок этиб ўзларининг бузилган ёки низолашилаётган ҳуқуқлари тикланишидан ва бошқа томондан ҳам бир хилда ишни ҳал қилишдан манфаатдордир. Бу ўринда тарафлар ўртасидаги низо бир иш доирасида мазмунан кўриб чиқилса, ишга доир барча ҳолатлар аниқланса ва тарафлар тегишли исботлаш воситаларидан фойдаланган ҳолларда шерик иштирокчилар ўртасидаги низони тўғри ва қонуний ҳал қилишга имкон беради.

Диссертацияда шерик иштирокчилик масалалари бўйича айрим хорижий мамлакатлар қонунчилиги ўрганилган ва бу борадаги муайян ўзига хосликлар аниқланган. Хусусан, АҚШда бир гуруҳ шахслар томонидан даъво кўзғатилган ҳолларда ушбу гуруҳнинг номидан иштирок этиш учун сайланган вакил суд томонидан тасдиқланган бўлиши зарур. Россия Федерациясида ҳам Арбитраж процессуал кодексига «Шахслар гуруҳи ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини

ҳимоя қилиш тўғрисидаги ишларни кўриш» деб номланган институт киритилган.

ИПКнинг 44-моддасига кўра процессда биргаликда иштирок этувчилар ишни олиб боришни шерик иштирокчилардан бирига топшириши мумкин. Бироқ мазкур масала юзасидан тарафларнинг кейинги хатти-ҳаракатлари процессуал қонунчиликда тўлиқ тартибга солинмаган. Юқоридагилардан келиб чиқиб, иқтисодий процессда процессуал иштирокчилик институтини янада ривожлантириш, ИПКга кўшичалар киритиш бўйича таклифлар асослантирилган.

Диссертациянинг «**Иқтисодий суд ишларини юритишда даъвогар ва жавобгар ҳуқуқий мақомининг процессуал хусусиятлари**» деб номланган иккинчи бобида даъвогар, аризачи ва ундирувчи ҳуқуқ ҳамда мажбуриятларининг процессуал масалалари, иқтисодий процессда жавобгар ва қарздорнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини такомиллаштириш муаммолари, процессуал ҳуқуқларни суиистеъмол қилишнинг ҳуқуқий оқибатлари таҳлили амалга оширилган.

Тадқиқотчининг таъкидлашича, процессуал маънодаги тарафлар суд ишларини юритишнинг шундай иштирокчисики, улар низоли моддий-ҳуқуқий муносабат субъекти бўлиб ҳисобланмайди, яъни низоли ҳуқуқ ёки манфаатнинг эгаси бўлмайди, шундай бўлсада, қонунда тўғридан тўғри назарда тутилгани боис ўз номидан, бироқ бошқа шахснинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш учун, яъни низоли моддий-ҳуқуқий муносабат субъектларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишни талаб қилади.

Моддий-ҳуқуқий маънодаги тараф сифатида низоли моддий-ҳуқуқий муносабатнинг ҳақиқий ёки тахмин қилинаётган субъекти (шартномали, фуқаролик, тадбиркорлик) тушунилади. Улар ўзларининг субъектив ҳуқуқлари ва судда ишнинг қайси томонга ҳал бўлишига нисбатан қонун билан кўриқланадиган моддий-ҳуқуқий манфаатларига эга.

Диссертантнинг ёзишича, иқтисодий суд иш юритувида тарафларнинг иштироки ишлар тоифасига кўра фарқланади. Хусусан, даъво тартибидаги ишларда даъвогар ва жавобгар, буйруқ тартибидаги ишларда кредитор ва қарздор, алоҳида тоифадаги ишларда аризачи ва жавобгар иштирок этиб, уларнинг ҳуқуқий мақоми статусига боғлиқ равишда фарқланади. Шу сабабли процессуал қонунчиликда тараф сифатида аризачининг ҳуқуқий мақомини белгилаш мақсадида ИПКга тараф сифатида аризачи тушунчасини киритиш таклиф этилган.

Ишда айрим процессуалист олимлар (Е.А.Трещева, Ю.А.Свирин, О.Еременко, С.Антонова)нинг иқтисодий процессда аризачининг ҳуқуқий мақомини аниқлашга оид фикрлари таҳлил қилингани ҳолда, муаллиф томонидан ариза билан нафақат манфаат, балки ҳуқуқни ҳимоя қилиш ҳақидаги талаб ҳам белгиланиши, аризачининг нафақат қонун билан кўриқланадиган манфаати, балки ҳуқуқи бузилаётгани ҳам асослаб берилган.

Даъво предмети ўзгартирилганда айнан даъво талабининг асосларини ўзгартирмаган ҳолда сақлаб қолиб, дастлабки даъво предмети бошқаси билан

алмаштиришни назарда тутади. Даъво асосини ўзгартириш даъвогарнинг жавобгарга нисбатан ўз талабларини асослантирган ҳолатларнинг ўзгаришини билдиради. Даъво предметининг ўзгариши даъвогарнинг жавобгарга нисбатан моддий-ҳуқуқий талабларининг ўзгаришини билдиради. Юқоридагилардан келиб чиқиб, даъвонинг предмети ва асоси бир вақтда ўзгартиришга йўл қўйилмаслиги илмий жиҳатдан асослантириб берилган.

Даъводан воз кечиш суд иш юритувини муддатидан олдин тугатишга (Германия, Франция, Беларусь) олиб келади. Амалдаги ИПК даъводан воз кечишни амалга ошириш шакли ва уни расмийлаштирилишига доир нормани назарда тутмайди. Фақатгина даъвогарнинг ушбу ҳуқуқи мавжудлигини, ушбу ҳуқуқ қонунга мувофиқ бўлишини текширишни назарда тутади. Тадқиқот ишида даъводан воз кечиш институтида жавобгарнинг ўрни таҳлил қилинган ҳолда айрим назарий хулосалар илгари сурилган.

Айрим мутахассислар (М.М.Голиченко) даъво ишларида жавобгарни даъво бўйича жавоб бериш учун жалб қилинган ва қонунда назарда тутилган барча процессуал воситаларни амалга ошириш ҳуқуқига эга шахс сифатида кўради. Бошқа мутахассислар (Е.С.Раздьяконов) илмий муомалага «процессуал жавобгар» тушунчасини киритиш таклифини илгари суришган. Диссертант иқтисодий процесда тараф сифатида жавобгар тушунчасига муаллифлик таърифини берган.

Жаҳон мамлакатларида (Германия, Россия Федерацияси, Беларусь) қарши даъвони такдим қилишга доир қоидалар назарда тутилади. ИПКда қарши даъвони такдим қилишнинг процессуал воситалари, қарши даъвони такдим қилиш, уни кўриб чиқиш, унинг оқибатлари батафсил белгилаб қўйилмаган. Гарчи Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2019 йил 24 майдаги «Биринчи инстанция суди томонидан иқтисодий процессуал қонун нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида»ги 13-сон қарорида бу борада айрим тушунтиришлар берилган бўлсада, диссертант ИПКда батафсил белгиланиши таклиф қилган.

Иқтисодий процесда суд буйруғи тартибида иш юритишда қарздор иштирок этиши назарда тутилган. Айрим мутахассислар (М.М.Мамасиддиқов, Г.В.Молева, М.М.Голиченко, Е.С.Раздьяконов, Ю.А.Свирин) иқтисодий процесдаги жавобгарни суд буйруғи тартибидаги ишларда қарздорга айланиши ҳолатини назарда тутадилар. Иқтисодий процесда қарздор бўлиши учун шахс жавобгар сифатида ишга жалб қилиниши ва унинг жавобгарлик факти аниқланиши шарт эмас. Бунинг учун суд буйруғи тартибидаги ишларда ундирувчи томонидан шахснинг қарздор экани исботланиши ва низонинг мавжуд эмаслиги кифоя қилади. Бошқа тоифадаги ишлардан фарқли равишда қарздор сифатида иқтисодий процесда суд буйруғи тартибидаги ишларда ундирув қаратилган шахс тушунилиши юзасидан асослантирилган хулосалар берилган.

Муаллиф ҳуқуқни суиистеъмол қилишни аниқлашга жиддий эътибор билан ёндашиш лозим деб ҳисоблайди. Суиистеъмоллик моддий ва процессуал ҳуқуқда ўзига хос хусусиятга эга. Моддий ҳуқуқда суиистеъмоллик «шикана»

қоидасида ўз ифодасини топган. Бунда суиистеъмоллик шахснинг ўз ҳуқуқларини амалга ошириши ўзгаларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига путур етказмаслиги сифатида тушунилади. Шу сабабли ҳуқуқий муносабат иштирокчилари ўз ҳаракатларида ҳалоллик ва оқилоналикка риоя этишлари талаб этилади.

Айни пайтда процессуал ҳуқуқда ҳам ҳуқуқларни суиистеъмол қилиш масалалари долзарбдир. Бунда процессуал-ҳуқуқий муносабат иштирокчиси ўз ҳуқуқ ва қонуний манфаатларни амалга оширишда иккинчи тарафнинг манфаатларига путур етказмаслиги, ўз ҳуқуқларини таъминлаш мақсадига қарама-қарши ҳаракат қилмаслиги ва шу йўл билан бошқа шахс ҳуқуқларини бузмаслиги зарур. Шу боисдан ўзининг процессуал ҳуқуқларини суиистеъмол қилувчи шахс зиммасига суд харажатларини юклаш ҳақидаги норма мавжуд бўлиши лозимлиги асослантилган.

**«Иқтисодий процессда тарафларнинг ҳуқуқий мақомига таъсир кўрсатувчи воситалар ва келишув битимини тузишнинг ўзига хос жиҳатлари»** деб номланган учинчи бобда иқтисодий процессда тарафларни алмаштириш, ҳуқуқий ворислик ва учинчи шахслар иштирокининг процессуал хусусиятлари, иқтисодий процессда тарафларнинг келишув битими тузиши муаммолари, суд-ҳуқуқ ислохотларини ривожлантириш шароитида тарафлар ҳуқуқий мақомини такомиллаштириш масалалари таҳлил қилинган.

Хорижий мамлакатлар процессуал қонунчилигида даъвогарни алмаштириш ҳақидаги қоида мавжуд эмас. Айрим мамлакатлар тажрибасида (Германия, Россия Федерацияси, Беларусь) фақатгина жавобгарни алмаштириш ҳолатлари назарда тутилган. Иқтисодий процессда даъвогарнинг алмаштирилиши эркин ҳуқуқ, яъни диспозитивлик принципига зид бўлиб, шахснинг хоҳиш-иродасига қарши туради. Диссертант ишга дахлдор бўлмаган жавобгарни алмаштиришга доир қоида назарда тутилиши лозим, деган хулосага келган. Бироқ, ушбу ҳолатда иқтисодий процессуал қонунчилик жавобгарни мажбурий равишда алмаштиришни назарда тутмайди. Бунга фақат иқтисодий процесс мавжуд бўлишига асосий туртки берувчи тараф, яъни даъвогарнинг розилиги билан йўл қўйилиши мумкин.

Процессуал ҳуқуқда ҳуқуқий ворислик амалга оширилганда, нафақат жавобгарнинг манфаати, балки даъвогарнинг ҳам розилиги талаб қилинади ва бу моддий ҳуқуқ нормаларини қўллашга зид келмаслиги лозим. Амалдаги ИПҚда тарафлардан бири низоли ёки иқтисодий суднинг ҳал қилув қарори билан аниқланган ҳуқуқий муносабатдан чиқиб кетган тақдирда суд бу тарафни унинг ҳуқуқий вориси билан алмаштиришига доир умумий қоидани белгилаган, холос. Диссертацияда шахс низоли ҳуқуқий муносабатнинг тарафи бўлмаган ҳолларда ва қонун ҳужжатларида белгиланган асосларга кўра у низоли ҳуқуқий муносабатда даъвогар ёки жавобгарнинг ўрнини олганлиги тахмин қилиниши ва уни тараф сифатида процессуал ҳуқуқий ворис қилиб ишга жалб қилиниши ҳақида илтимоснома киритилиши, тараф ҳуқуқий вориси билан алмаштирилгандан кейин процессни алмаштириш амалга оширилган босқичдан давом эттиришга доир қоидани ИПҚда белгилашни мақсадга мувофиқлиги асослантилган.

Бугунги кунда тарафлар ўртасидаги низоларни ҳал қилишнинг энг мақбул йўллари билан бири сифатида келишув битими назарда тутилади. ИПКнинг 131-моддасига кўра, тарафлар ҳар қандай инстанцияда ишни келишув битими билан тамомлашлари мумкин. Келишув битимини тузиш масалалари дунё миқёсида батафсил тартибга солинган. Хусусан, Россия Федерацияси Арбитраж процессуал кодексининг 15-бобида, Беларусь Хўжалик процессуал кодексида келишув битимини тузиш (121-модда), келишув битимининг шакли ва мазмуни (122-модда), хўжалик суди томонидан келишув битимини тасдиқлаш (123-модда), келишув битимини ижро қилиш (124-модда) билан боғлиқ нормалар белгиланган. ГФР Фуқаролик процессуал кодекси 1053 параграфида белгиланишича, агар арбитраж муҳокамаси жараёнида тарафлар низо юзасидан ўзаро келишса, арбитраж суди муҳокамани тугатишни назарда тутади.

Иқтисодий судлар амалиётида низони тарафлар ўртасида келишув битимини тузиш йўли билан ишни тугатиш ҳоллари кам учрайди. Шу билан бирга таъкидлаш лозимки, бу ўринда келишув битимини фуқаролик-ҳуқуқий табиатига ҳамда процессуал ҳуқуқий табиатга эга эканлигини кўрсатиб ўтиш лозим. Ушбу келишув битими ҳуқуқий табиатининг тўлиқ очиб берилмаганлиги, қонун ҳужжатларида ушбу масала етарли даражада тартибга солилмаганлиги иқтисодий процессда тарафлар ва бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини бузилишига, суд ҳимоясига бўлган ҳуқуқдан самарали фойдалана олмасликка олиб келади. Келишув битимининг назарий ҳамда амалий жиҳатлари ҳам иқтисодий процессуал ҳуқуқида етарли даражада тадқиқ этилмаган.

АҚШ ва Англияда 85-95 % низолар ярашув билан тугалланади. Ривожланган мамлакатлар тажрибасида ярашув суд иш юритуви пайтида ҳам кенг қўлланилади. Айни пайтда мамлакатимизда ҳуқуқни қўллаш ва суд амалиётида келишув битимини тузишнинг кенг оммалашмаётганлиги кўзга ташланмоқда. Жумладан, 2018 йил давомида иқтисодий судлар томонидан жами 403 344 та иш кўрилган бўлса, шундан 726 таси келишув битими билан яқунланган. Ушбу кўрсаткич умумий иқтисодий ишлар сонининг бор-йўғи 0,18 фоизни ташкил қилади. Бунда аксарият ҳолларда иқтисодий низоларни кўришда келишув битимини тузишни таклиф қилмаслиги ҳам муайян даражада таъсир кўрсатади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, тарафларни мурасага келтириш (келиштириш) таомилларини амалиётда қўллаш, келишув битимини тузишнинг тартиби, шартлари бўйича суд ҳаракатларини янада батафсил тартибга солиш мақсадида ИПКга алоҳида боб киритиш таклифи илгари сурилган. Шунингдек, диссертацияда тарафларни келиштириш бўйича чоралар кўриш мажбуриятини суд зиммасига юклаш тадбиркорлик соҳасидаги муҳитни яхшиланишига ёрдам бериши асослантирилган.

Ишда иштирок этувчи ҳар қандай тараф ишга оид бўлган материаллар ва ҳужжатларнинг дубликати ва нусхаларини олиш ҳуқуқига эга. Зеро, ҳар бир шахс ўз ҳуқуқ ва манфаатлари судда қонуний, тўғри ва адолатли ҳимоя қилинаётганлигига ишонч ҳосил қилиши учун ишга доир материаллар ва ҳужжатлар билан танишишга ҳақли. Бироқ қонунчиликда ишга оид



хужжатлардан нусха олиш тушунчаси аниқ ифодаланмаган. Бу ҳолатда эса мазкур таомилни турлича талқин этилишига олиб келади ва судлар томонидан ҳам ёхуд даъвогар ва жавобгар томонидан ҳам турли суиистеъмолликларга йўл қўйиш оқибатида ҳуқуқ бузилишига сабаб бўлади. Шу сабабли ИПКда нусха олиш қоидасини, хусусан, суд мажлиси баённомасидан нусха олишни киритиш мақсадга мувофиқлиги белгиланган.

## ХУЛОСА

